

«РҮЙХАТГА ОЛИНГАН»



«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ

Яона акциядорининг

06

2022 йилдаги

сон қарори билан



«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти

УСТАВИ

(янги таҳрири)

ТОШКЕНТ шаҳри – 2022 йил

**«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (яниги таҳрири)**

МУНДАРИЖА

I	УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II	ЖАМИЯТНИНГ РАСМИЙ НОМИ, ЮРИДИК ВА ПОЧТА МАНЗИЛИ, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИ	3
III	ЖАМИЯТНИНГ МАҚОМИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	4
IV	ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	5
V	УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ	7
VI	ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОФОЗЛАРИ	9
VII	ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	9
VIII	ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ	12
IX	ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ	13
X	ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРУВИ	13
XI	ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ	22
XII	ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ	24
XIII	ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ	24
XIV	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	25

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунга, ҳамда бошқа қонун хужжатлари ва меъёрий-хукукий хужжатларга асосан ишлаб чиқилган ва «O'zbekgidroenergoqurilish» aksiyadorlik jamiyati (бундан бўён матн давомида – Жамият деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. «O'zbekgidroenergoqurilish» aksiyadorlik jamiyati Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш Давлат қўмитасининг 2004 йил 30 сентябрдаги 130к-ПО-сонли «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестини «O'zbekgidroenergoqurilish» очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш тўғрисида»ги буйруғига асосан ташкил этилган. «O'zbekgidroenergoqurilish» очиқ акциядорлик жамияти Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиши инспекцияси томонидан 2004 йил 18 ноябрда R-000487-09-сон билан рўйхатга олинган.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекгидроэнерго» акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиши чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2972-сонли қарорига асосан «O'zbekgidroenergo» акциядорлик жамияти таркиби киради.

3. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуни (бундан бўён матн давомида – Конун) ва мазкур Уставга, ҳамда бошқа қонун ва меъёрий-хукукий хужжатларга мувофиқ олиб боради.

**II. ЖАМИЯТНИНГ РАСМИЙ НОМИ, ЮРИДИК ВА ПОЧТА МАНЗИЛИ,
ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИ ВА РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИ**

4. Жамият ташкилий-хукукий шакли кўрсатилган тўлиқ ва қисқартирилган фирма номига эга.

5. Жамиятнинг расмий номи:

Тўлиқ

Ўзбек тилида:

кирилл ёзувида: «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти

лотин ёзувида: «O'zbekgidroenergoqurilish» aksiyadorlik jamiyati

Рус тилида:

Акционерное общество «Узбекгидроэнергоқурилиш»

Инглиз тилида:

«Uzbekgidroenergokurilish» Joint-stock company

КИСҚАРТИРИЛГАН

Ўзбек тилида:

кирилл ёзувида: «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ

лотин ёзувида: «O'zbekgidroenergoqurilish» AJ

Рус тилида:

АО «Узбекгидроэнергоқурилиш»

Инглиз тилида:

«Uzbekgidroenergokurilish» JSC

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (яңги таҳрири)

6. Юридик манзили, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили, жамиятнинг расмий web-сайти:

Юридик манзили:	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 22-үй
Почта манзили:	100124, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Феруза кўчаси, 15 А уй
Электрон почта манзили:	uzges@uzgidro.uz
Жамиятнинг расмий web-сайти:	http://uzbekgidroenergoqurilish.uz/

III. МАҚОМИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади ва чекланмаган муддатга тузилади.

8. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустакил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

9. Жамият:

- ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлишга ҳақли. Муҳрда бир вактнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин;
- ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига эга бўлишга;
- белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик мумомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга;
- Ўзбекистон Республикаси худудида ва унинг ташқарисида банк ҳисобваракларини очишга;
- филиаллар ташкил этишга ва ваколатхоналар очишга;
- акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган жамият шаклидаги шўъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши; унитар корхоналар ташкил этиши мумкин. Бунда Жамият шўъба хўжалик жамиятлари ва ўзи тузган унитар корхоналари ўтказадиган ишлар устидан методик раҳбарлик қиласида ва мувофиқлаштиради;
- корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда конун хужжатларида белгиланган тартибда қатнашишга;
- нотижорат ташкилотларда иштирок этишга ҳақли.

10. Жамиятнинг филиали ва ваколатхонаси юридик шахс бўлмайди. Улар Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида иш юритади.

Жамиятнинг филиалга ва ваколатхонага бериб қўйилган мол-мулки Жамиятнинг балансида ҳисобга олинади.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик Жамият зиммасида бўлади.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакатнинг конун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11. Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг (улушнинг) йигирма фоизидан кўпрогига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИ (яңги таҳрири)

Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор (Жамият) томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона хисобланади.

12. Шўъба ва тебе хўжалик жамиятлари ўз мулкида Жамиятининг овоз берувчи акцияларига эга бўлишга ҳақли эмас.

Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхона ўз мулкида Жамият устав фондидаги улушга эга бўлишга ҳақли эмас.

13. Жамият қонунчиликка мувофиқ шўъба хўжалик жамиятига ва Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхонага мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга. Бунда Жамият бундай кўрсатмаларни бажариш учун бу жамиятлар томонидан тузилган битимлар юзасидан улар билан солидар жавобгар бўлади.

Шўъба хўжалик жамияти ёки Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхона Жамиятининг айби билан банкрот бўлган тақдирда, унинг мажбуриятлари юзасидан Жамият Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодексига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

14. Жамият томонидан ташкил этилган шўъба хўжалик жамияти ва унитар корхона Жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

15. Шўъба хўжалик жамиятининг акциядорлари (иштирокчилари) Жамиятдан унинг айби билан уларга етказилган заарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли.

16. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

17. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

18. Акциядорлар Жамиятининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

19. Акцияларнинг ҳакини тўлиқ тўламаган акциядорлар Жамиятининг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ФАОЛИЯТ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

20. Жамият фаолиятининг асосий мақсади молия-хўжалик фаолиятидан фойда олишdir.

21. Жамиятнинг асосий фаолият соҳаси гидроэнергетика иншоотларини қуриш билан боғлиқ маҳсус монтаж ва умумий қурилиш ишларини олиб бориш, шунингдек истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган бошқа хизматларни кўрсатиш хисобланади.

22. Жамият ўз максадига эришиш учун мунтазам равишда Жамият самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган мухандис-техник ва бошқариш кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш.

23. Жамиятнинг асосий фаолият турлари:

- энергетика объектларини, электростанцияларни, гидротехника, саноат ва ижтимоий майший объектларни, шунингдек турар жой ва қишлоқ хўжалиги объектларини қуриш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;
- маҳсус қурилиш ва монтаж ишлари, шу жумладан гидротехника, пармалаш-портлатиш, туннель қурилиш-монтаж ишлари бўйича хизматлар кўрсатиш;
- Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида тадқикот, лойиха, таъмирлаш, тиклаш, ишга тушириш ишлари, транспорт ва матбаа хизматлари, шунингдек бошқа турдаги хизматларни амалга ошириш;
- қурилиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, қайта қуриш ва техник қайта жиҳозлаш, биноларни, саноат, ижтимоий, маданий, майший иншоотларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш;

«Ўзбекгидроэнергоқуриши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (яңги таҳрири)

- корхоналар ва ташкилий-хукуқий ва мулк шаклидан қатъий назар ташкилотлар ёки муассасаларнинг буюртмалари бўйича курилиш-монтаж, таъмирлаш, тиклаш ва ишга тушириш ишларини ўтказиш;
- буюртмачидан олинган буюртмага асосан маҳсус лойиха ташкилотлари билан ҳамкорликда лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш бўйича хизматлар кўрсатиш;
- лойиха-конструкторлик, тадқиқот ва экспериментал ишларни ташкил қилиш ва ўтказиш;
- курилиш материаллари ва конструкцияларни шу жумладан, бетон маҳсулотлари ва бетон коришмаларини ишлаб чикириш;
- энергетика, гидротехника ва сув хўжалиги корхоналарига ҳамда бошка корхоналарга ўзаро фойда асосида ташки иқтисодий фаолиятга доир хизматларни кўрсатиш;
- шартнома асосида «O'zbekgidroenergo» АЖ ва унинг таркибига кирувчи корхоналарга ҳамда бошка ташкилотларга моддий-техника ресурсларини, асбоб-ускуналарни, эҳтиёт қисмларни, машина ва механизмларни, шунингдек бошка товарларни реализация қилиш;
- ихтисослашган транспорт хизматларини кўрсатиш;
- обьектларнинг технологик бутланишини амалга ошириш;
- мураккаблик даражаси ҳар-хил бўлган ер ости ишлаб чикириш ишларини барпо этиш;
- ер ости ва ер усти каръерларида, автомобил йўллари ва каналларда бурғулаш-портлатиш ишларини амалга ошириш;
- тупроқни юмшатиш;
- чуқурикларда контур портлаш усулини қўллаган ҳолда профиль ишларни амалга ошириш;
- маҳсус гидротехник ишлар (инъекцион ва цементли тўшама, катламлаш, майдонли цементлаш, бўшлиқларни йўқотиш ва курилиш чокларини цементлаш)ни амалга ошириш;
- сув кудукларини бурғулаш ва жихозлаш;
- тупроқ катламларини кимёвий усулда мустаҳкамлаш;
- бетон иншоатларни бетонли цементлаш, торкрет сачратма-бетон усули билан таъмирлаш;
- кўп қаватли баланд бино ва иншоатларни куриш;
- хавфи юқори бўлган обьектларни (потенциал хавфли ишлаб чикириш обьектлари) куриш;
- куввати 500 кВ гача бўлган энергоускуналарни ўрнатиш;
- юксак (нано) технологияларни ишлаб чикириш ва маҳаллий, хорижий технологияларни тадбиқ этиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга курилиш, майший ва ишлаб чикиришга оид бўлган хизматларни кўрсатиш;
- обьектларни куриш ва модернизация қилиш, таъмирлаш (шу жумладан капитал ва жорий таъмирлаш) бўйича бош пудрат ташкилоти сифатида иштирок этиш;
- пудрат, етказиб бериш, ижара, карз, фьючерс, комиссия, саклаш, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конун хужжатларига зид бўлмаган битимлар, келишувлар ва шартномалар бўйича саноат, техник, комиссион, траст, лизинг, муҳандислик, ташкилий ва бошқа хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш);
- ижара фаолиятини амалга ошириш, кўчар ва кўчмас мулкларни ижарага бериш;
- халқ истеъмол молларини ишлаб чикириш ва уларни улгуржи ва чакана савдо асосида сотиш;

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИ (янги таҳрири)

- ҳом-ашё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- конун хужжатлари билан ўрнатилган тартибда ташки иктиносидий фаолиятни амалга ошириш.

24. Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ва мазкур Уставда кўрсатилмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир.

25. Махсус руҳсатнома (лицензия) талаб киладиган фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси конунчилигига ўрнатилган тартибда, лицензия олингандан кейин амалга оширилади.

V. УСТАВ ФОНДИННИГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

26. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фонди Жамият мол-мулкининг уни кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилайди.

Жамият имтиёзли акциялар жойлаштиришга ҳақли. Жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати Жамият устав фондининг йигирма беш фоизидан ошмаслиги керак.

27. Жамият устав фонди 23 297 244 000 (йигирма уч миллиард икки юз тўқсон етти миллион икки юз кирқ тўрт минг) сўмдан, ҳар бирининг номинал қиймати 3 000 (уч минг) сўм бўлган 7 765 748 (етти миллион етти юз олтмиш беш минг етти юз кирқ саккиз) дона жойлаштирилган акциялардан ташкил топган. Шундан 7 515 647 (етти миллион беш юз ўн беш минг олти юз қирқ етти) дона оддий ва 250 101 (икки юз эллик минг бир юз бир) дона имтиёзли акциялардир.

28. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равища:

- 995 000 000 (тўқкиз юз тўқсон беш миллион) дона оддий;
- 5 000 000 (беш миллион) дона имтиёзли эълон қилинган акциялар жойлаштиришга ҳақли.

Ҳар бир акциянинг номинал қиймати 3 000 (уч минг) сўм.

a) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

29. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш қўшимча акцияларни жалб қилинган инвестициялар ҳисобига жойлаштириш, Жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

30. Қўшимча акциялар факат мазкур Уставда белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасидагина Жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

31. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамиятнинг мазкур уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳакидаги қарорлар Кузатув кенгashi томонидан қабул қилинади.

32. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

33. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда мазкур Уставда кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

**«Ўзбекгидроэнергоқуриши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

34. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл кўйилмайди.

35. Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган кўшимча акцияларни чиқариш ҳакидаги қарор Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

36. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очик ва ёпик обуна воситасида жойлаштиришга ҳакли. Акцияларнинг очик обунаси факат ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларида ўтказилади.

37. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулқ, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган хукуқлар (шу жумладан мулкий хукуқлар) орқали амалга оширилади.

Жамиятнинг кўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларига ҳақ тўлаш тартиби уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгилаб кўйилади.

38. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи Кузатув кенгаши томонидан, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

39. Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳаки тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳаки сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

40. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирища кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда хар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади.

41. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивиденdlар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

42. Жамиятнинг кўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичida ҳақ тўланиши лозим.

43. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишида олиш хукукига эга.

Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йигилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар микдорига мутаносиб микдорда имтиёзли олиш хукукига эга.

44. Имтиёзли хукукка эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

45. Имтиёзли хукук амалга оширилган тақдирда, акциядорлар акцияларнинг ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларнинг факат бутун микдорини олиши мумкин.

46. Жамият акцияларини ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларларини имтиёзли олиш хукукини амалга ошириш тартиби ва муддатлари Қонунда белгиланади.

**«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

47. Имтиёзли хуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечишига йўл қўйилмайди.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш

48. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қискартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини кейинчалик бекор килган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

Бундай ҳолда, шунингдек Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилган бошқа холларда, акциядорлардан Жамият томонидан оддий ва имтиёзли акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

49. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва мазкур Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

50. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор килади.

Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

VI. ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ, КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

51. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар икки турга - оддий ва имтиёзли акцияларга бўлинган.

52. Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги хукукларни беради.

53. Жамият конун ҳужжатларига мувофиқ корпоратив облигацияларни (уларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш санасидаги ўз капитали микдори доирасида) ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

54. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

55. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган хукукларни чеклаш ҳакида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

56. Акциялар мулк ҳуқуки ёки бошқа ашёвий ҳуқук асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — Жамият акциядори деб эътироф этилади.

57. Акциядор томонидан хукукларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг хукуклари ва конун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

58. Жамият акциядорлари:

- Жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депо ҳисобварағидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;

**«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тұғатилған тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йигилишларида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли көгозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукукларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилған заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- овоз беришда ўзларининг ҳамкорликдаги позициясини шакллантириш мақсадида акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорлар ўзаро акциядорлик битимларини тузиш;
- қимматли көгозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳукукига эга.

59. Акциядорнинг акциядорлар умумий йигилишида иштирок этиши, дивидендлар олиши ва Жамият томонидан корпоратив харакатлар бажарилганда қонун ҳужжатларида назарда тутилған бошқа ҳукукларни амалга ошириши Жамият акциядорларининг реестри асосида амалга оширилади.

60. Имтиёзли ҳукукка эга бўлган акциядор акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни олиши тўғрисида ёзма шаклдаги аризани Жамиятга юбориш орқали ўз имтиёзли ҳукукини тўлиқ ёки қисман амалга оширишга ҳакли. Бундай ариза мазкур имтиёзли ҳукукнинг амал қилиш муддати ичida Жамиятга тақдим этилиши керак.

61. Овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

- Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;
- жойлаштирилған акцияларни йириклиштириш хақида;
- амалдаги конунчиликка мувофиқ Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида;
- Жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳукукларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми Жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Бундай холларда, Жамият томонидан акцияларни қайтариб сотиб олиш ушбу акцияларнинг бозор қиймати бўйича амалга оширилади, бу қиймат Жамиятнинг акцияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳукуки юзага келишига сабаб бўладиган харакати натижасида қийматнинг ўзгариши хисобга олинмаган ҳолда аниқланади.

62. Акцияларни бошқа шахсга беришга доир чеклов белгиланиши акциядорни — мазкур акциялар эгасини Қонунда белгиланган тартибда Жамиятни бошқаришда иштирок этиш ва улар бўйича дивидендлар олиш ҳукувидан маҳрум қилмайди.

63. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида мазкур йигилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳукуки билан иштирок этиши мумкин.

«Ўзбекгидроэнергоқуриши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)

64. Жамиятнинг 1 фоиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаларига Кузатув кенгаси мажлисини чакиришни талаб қилиш ва кун тартиби, фойдани таҳсиллаш, бошқарув ва назорат органи аъзолигига уларнинг номзодини, умумий йигилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имконияти билан кўрсатиш юзасидан таклиф киритиш хукуқига эга.

65. *Имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:*

- акциядорларнинг умумий йигилишида Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги масалалар ҳал этилаётганда овоз бериш хукуки билан иштирок этади;
- имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар акциядорларнинг умумий йигилишида Жамият уставига имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг хукуқларини чеклайдиган ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар, шу жумладан аввалги навбатдаги имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган дивиденднинг микдорини белгилаш ёки кўпайтириш ва (ёки) тугатилиш кийматини белгилаш ёки кўпайтириш масалалари, шунингдек имтиёзли акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларга дивиденд ва (ёки) бу акцияларнинг тугатилиш кийматини тўлаш навбати бўйича имтиёзлар бериш ҳоллари ҳал этилаётганда овоз бериш хукукини олади;
- акциядорларнинг умумий йигилиши ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича овоз бериш хукуки билан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуқига имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинмаган ёки дивидендларни тўлиқ тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан кейинги йигилишдан бошлаб эга бўлади. Хукуқ мазкур акциялар бўйича дивидендлар биринчи марта тўлиқ микдорда тўланган пайтдан эътиборан бекор қилинади;
- Жамият тугатилаётганда ўзларига тегишли имтиёзли акциялар номинал кийматининг 125 фоизини, конунчиликда ўрнатилган навбатда олишга ҳакли.

66. Акциядор (акциядорлар) йирик битимни ёки аффилланган шахс билан тузилган битимни хақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги даъво аризасини судда кўриб чикиш чогида Жамиятдан ва гувоҳлардан суд томонидан кўриб чиқилаётган ишга тааллукли бўлиши мумкин бўлган барча хужжатларни олишга ҳакли, бундан давлат сирини ёки конун билан кўрикланадиган бошқа сирни ташкил этувчи хужжатлар мустасно.

67. Миноритар акциядорларнинг хукуклари ва конуний манфаатларини химоя қилиш максадида Жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

68. Акциядорлар конун хужжатлари ва мазкур Уставга мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

69. Акциядорларнинг хукуклари Жамият бошқарув органлари томонидан химоя қилинади. Жамият барча акциядорларга, уларга тегишли улушлар, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар бир хилдаги муносабат таъминланишига кафолат беради.

70. Жамият акциядорлари қўйидаги маъбуриятларга эга:

- Жамият тўғрисидаги маҳфий маълумотларни ташкил қилувчи сирларни саклаши ва фош қилмаслиги. Миноритар акциядор хужжатларни асосиз равишда талаб қилиши ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини қўллаш йўли билан Жамият бошқарув органи фаолиятига тўскинлик қилмаслиги лозим.
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида унинг акцияларга бўлган хукуқларини хисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи Марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўз вақтида хабардор қилиши.

**«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

71. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур Жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, колган акциялар эгаларига акцияларни бозор киймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичидаги эълон қилиши шарт.

Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичидаги олинган тақдирда, Жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

72. Акциядорлар қонунчиликда ва мазкур Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

VIII. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ

73. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши учун шакллантирилган Жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш хукукига эга.

74. Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

75. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни кимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

76. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

77. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

78. Дивидендларни хисоблаш механизми Жамиятнинг Дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низомида ошкор қилинади.

79. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича катъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли микдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин.

Жамият етарли микдорда фойдага эга бўлмаган ёки заар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамият томонидан Жамиятнинг факат шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди хисобидан ва ушбу фонд доирасида тўланиши мумкин.

80. Имтиёзли акциялар ўз эгасига ҳар йили ўзига тегишли бўлган имтиёзли акциялар номинал қийматининг 25 фоизи микдорида дивиденд олиш хукукини беради.

81. Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошланадиган валютага айирбошлаб, маблагларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварагига ўтказиб бериши шарт.

82. Жамият тўланадиган дивидендлар .микдори тўғрисидаги маълумотларни кимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва Жамиятнинг расмий веб-сайтларида конун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон килади.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИ

83. Жамиятнинг захира фонди бошқа маблаглар мавжуд бўлмаган тақдирда:

— Жамиятнинг заарлари ўрнини қоплаш;

**«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш;
 - Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендлар тўлаш;
 - Жамиятнинг акцияларини кайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.
 - Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.
84. Жамиятнинг захира фонди Жамият устав фондининг 15 % дан кам бўлмаган миқдорини ташкил этади.
85. Жамиятнинг захира фонди мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар оркали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори мазкур Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар 5% ни ташкил қиласди.
- Агар Жамиятнинг захира фонди тўлиқ ёки қисман сарфланса, мажбурий ажратмалар ўтказиш тикланади.
86. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа фондлар ташкил қилишга ҳақли.

Х. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРУВИ **АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

87. Акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир.
88. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўтказиши шарт.
89. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиши санаси ва тартиби, йигилиш ўтказилиши ҳакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.
90. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ҳар йили июнь ойининг охирги жумасида ўтказилади.
91. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташқари йигилишлардир.
92. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташабуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тағтищчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.
93. Жамиятда барча оддий акциялар битта акциядорга (бундан бўён матн давомида - Ягона акциядор) тегишли бўлган ҳолларда акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилмайди.
- Конун ва мазкур Устави билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича карорлар Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан кабул қилинади ва ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, Жамиятнинг имтиёзли акциялари Конунга мувофиқ овоз бериш ҳуқукини олиши ҳоллари бундан мустасно.
94. Жамият Ягона акциядорининг карор кабул қилиш тартиби Жамият Ягона акциядорининг карор қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланади.

95. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Жамият Кузатув кенгаши карори билан Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш ва эълон килинган акциялар сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиришлар бундан мустасно;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;

**«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон килинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини, Жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи хисобланувчи Бош директорни тасдиқлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) тайинлаш ва тасдиқлаш, уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамиятнинг йиллик хисботини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва максадидан, Жамиятни ракобат муҳити таҳлили, экспортга йўналтирилганлик ва тегишли соҳа, тармоқ ва худудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиқсан ҳолда ўрта муддатга (5 йилгача) ва узок муддатга (5 йилдан ортиқ) ривожлантиришнинг аник муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига (зарур ҳолларда) киритиладиган ўзгартиш ва/ёки ќўшимчаларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият Кузатув кенгашининг хисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хulosаларини эшлиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни энг юкори миқдорларини белгилаш;
- Жамиятнинг Кузатув кенгashi ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни белгилаш;
- Қонунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш тўғрисида карор қабул қилиш ва Жамият аффиланган шахслари билан битимларни маъқуллаш;
- мажбурий аудиторлик текширувани ўtkазиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида карор қабул қилиш;
- аудиторлик ташкилотининг хисботларини ҳар йили тасдиқлаш;
- Жамиятнинг ички корпоратив хужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши мазкур Устав билан Жамиятнинг Кузатув кенгашининг ёки Ижроия органининг ваколатларига киритилган хужжатлар бундан мустасно;
- Корпоратив бошқарув Кодекси (бундан бўён матн давомида - Кодекс) тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида карор қабул қилиш;
- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатишнинг (олиш) энг кўп миқдорини белгилаш;

«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИ (янги таҳрири)

- ~~хар~~ йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамият ривожланиш максадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш;
- ижроия органининг аффилланган шахслар билан ва йирик битимларни мустақил амалга ошириши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимларни аниглаш;
- Конунчиликка ва Кодексга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

96. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

97. Акциядорларнинг умумий йигилишида шахсан иштирок эта олмайдиган акциядорлар унда видеоконференц-алоқа орқали иштирок этишлари мумкин, ҳамда ўз овоз бериш хуқуқларини электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан амалга оширишлари мумкин.

98. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) молия йили тугаганидан кейин 90 кун мобайнида, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибиغا масалалар киритишга, ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

99. Акциядорлар (акциядор) Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳақли.

100. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибиغا киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибиغا ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

101. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига:

- акциядорлар умумий йигилиши яқунлангандан сўнг натижаларни ошкор қилиш;
- акциядорлар умумий йигилиши Баённомаси тузилган санадан эътиборан икки иш куни мобайнида мухим факт ҳақидаги хабарни ошкор қилиш йўллари билан етказилади.

Жамият акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варагига киритилган ҳолларда, Жамият мухим факт ҳақидаги хабарни фонд биржасининг расмий веб-сайтида эълон қилиши шарт.

Ахборотларни ошкор қилиш муддати бундай қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз қундан ошмаслиги керак.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

102. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Конун ва мазкур Устав билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

103. Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ иш юритади. Кузатув кенгаши фаолиятининг тартиби Жамиятнинг Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомда белгиланади.

104. Кузатув кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равиша эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

УСТАВИ (янги таҳрири)

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириш; Конунда кўзда тутилган ҳоллар мустасно;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳакида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;
- Жамият мол-мулкининг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижроия органи ҳисобланувчи Бош директори ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;
- ички аудит тўғрисидаги, корпоратив маслаҳатчи тўғрисидаги ва Жамиятнинг Кузатув кенгаши қошида ташкил этиладиган қўмиталар фаолияти тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисботларини эшишиб бориш;
- Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятларини ва Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналарни ташкил этиш;
- Конунда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва Жамият аффиланган шахслари билан битимларни маъкуллаш;
- Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироқи билан бөглиқ битимларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан бөглиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- қимматли қофзлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (яңги таҳрири)

- кимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласига ўзгартиришлар ва (ёки) кўшимчалар киритиш ва уларнинг матнини тасдиқлаш;
- Конуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланган чегара доирасида Жамият ижроия органига тўланадиган ҳак ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ва қонунчиликда ўрнатилган миқдор доирасида хайрия (хомийлик) ёки бегараз ёрдамни кўрсатиш (олиш) шартлари ва тартибини белгилаш, шунингдек ушбу тўғрисида қарор қабул қилиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган узок муддатли стратегия асосида ўрта муддатли (5 йилгача бўлган давр учун) бизнес-режалар ишлаб чиқиш, ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашига тасдиқлаш (маъкуллаш) учун киритиш;
- Жамиятнинг ижроия органи, ички назорат органлари, Жамиятда ташкил этилган коллегиал органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, Жамият ривожланиш режасини ишлаб чиқиши ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун эксперталарни жалб этиш;
- Кузатув кенгаши қошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган эксперталар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш бўйича қўмиталар (ишли гурухлари) ташкил этиш;
- Жамиятнинг бошқарув лавозимларига хорижий менежерлар номзодларининг иштирок этишига имкон яратилган ҳолда ҳар йили танловлар ўтказиши;
- ташкилий тузилмани ишлаб чиқиш, жорий этиш ва мунтазам баҳоланиши бўйича ишларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ тарзда амалга оширилишини мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- йиллик молиявий ҳисботларни Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиш бўйича амалга ошириладиган ишларни мувофиқлаштириш;
- корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ўтказиши учун мустакил ташкилотни танлов асосида танлаш;
- Жамиятда Кодекс тавсияларига риоя этилишини назорат қилиш.

105. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига Конунга, мазкур Уставга ва Кодексга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

106. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

Кузатув кенгаши аъзолари

107. Кузатув кенгаши 9 (тўккиз) кишидан иборат.

108. Жамият Кузатув кенгаши тугрисидаги Низом талабларига мувофиқ, Жамият Кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо мазкур Уставда кўзда тутилган Кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустакил аъзо киритади.

«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)

109. Кузатув кенгашининг аъзолари Қонунда ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

Кузатув кенгаш таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда кайта сайланishi мумкин.

110. Кузатув кенгасига:

- Жамият Баш директори;
- Жамиятнинг шўъба, тобе хўжалик жамиятларида, шунингдек Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналарда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар;
- Жамиятнинг шўъба, тобе хўжалик жамиятлари, шунингдек Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналар бошқарув органларининг аъзолари;
- Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар сайланishi мумкин эмас.

Кузатув кенгашининг Раиси

111. Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаси аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан Кузатув кенгаси аъзолари томонидан сайланади.

112. Кузатув кенгаси ўз раисини Кузатув кенгаси аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

113. Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаси мажлисларини чакиради ва уларда раислик қиласди, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласди.

114. Кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

Кузатув кенгашининг мажлиси

115. Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг Раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Кузатув кенгаси ва тафтиш комиссияси аъзосининг, ижроия органи, шунингдек мазкур Уставда белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

116. Кузатув кенгаси мажлислари сўров ўтказиш йўли билан, шунингдек видеоконференц-алоқа режимида ўтказилиши мумкин. Кузатув кенгаси мажлислари видеоконференц-алоқа режимида ўтказилганда Кузатув кенгаси аъзолари томонидан қабул қилинган қарорлар сиртдан берилган деб хисобланмайди.

117. Кузатув кенгаси аъзоларининг сони мазкур Уставда назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириши шарт.

Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

118. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар Қонунда Кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартибини белгиловчи ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажлисла ҳозир бўлғанларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

119. Кузатув кенгаси томонидан қарор қабул қилишда, Кузатув кенгаси аъзоларининг овоздари тенг бўлган тақдирда, Кузатув кенгаси Раисининг овози хал килувчи овоз хисобланади.

120. Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)**

121. Щунингдек кўйидаги масалалар бўйича қарорлар ҳам Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул килиниши керак:

- Жамият устав фондини ошириш тўғрисида;
- қўшимча акциялар чиқарилуви тўғрисида;
- акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш тўғрисида;
- аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳакида;
- баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул килинаётган санада жамият соф активлари микдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисида. Бунда Кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди.

122. Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктиримай тузилади.

123. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

124. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

125. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳакидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

ИЖРОИЯ ОРГАНИ

126. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати яккабошлилик асосидаги ижроия органи - Бош директор томонидан амалга оширилади.

127. Бош директор Жамият акциядорларининг умумий йигилиши (Жамиятнинг барча оддий акциялари Ягона акциядорга тегишли бўлган ҳолларда, Жамиятнинг Ягона акциядори томонидан тайинланади) томонидан уч йил муддатга тайинланади, коида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

Бош директор билан шартнома Кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда имзоланади.

128. Бош директор ўз фаолиятини амалдаги қонунчиликка, мазкур Уставга, Ижроия органи тўғрисидаги Низомга ва меҳнат шартномасига мувофиқ амалга оширади.

129. Бош директор акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади ва назорат килади.

130. Бош директор Жамият номидан ишончномасиз иш юритади ва унинг манфаатларини ифодалайди, Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномалар беради.

131. *Бош директорнинг ваколатига* Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорлар умумий йигилиши ва Кузатув кенгашининг мутлак ваколатларига киритилган масалалардан ташқари, щунингдек:

- бизнес-режада кўрсатилган фойда олишни таъминлаш;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;
- банкларда ҳисоб-рақамлар, шу жумладан валюта ҳисоб-рақамларини очиш;

- Жамият мижозлари, бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар имзолаштва битимлар тузиш;
- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ва ўзаро боғлиқ бўлган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул килиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул килинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича Жамият соф активлари микдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- Жамият штатларини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- меҳнат ёки фуқаролик-хуқуқий шартномаларини (контрактларни) тузиш ва бекор қилиш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб турилишини таъминлаш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш;;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ ишга вактинчалик ва бошқа турдаги ижодий жамоалар, ҳамда мустакил фуқароларни пудрат шартномалари ва меҳнат келишув битимлари шартлари билан жалб этиш;
- Жамият директорлари, бош муҳандис ва бош бухгалтерни лавозимларга тайинлаш ва озод қилиш. Жамиятда барча оддий акциялар Ягона акциядорга тегишли бўлган ҳолларда бу лавозимларга талабгорларни тайинлаш Жамиятнинг Ягона акциядори билан келишган ҳолда амалга оширилади;
- Жамиятнинг барча ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- ходимларга қонун ҳамда ички хужжатлар билан белгиланган тартибда ҳак тўлаш (барча турдаги мукофотлар, устамалар, қўшимча тўловлар ҳамда меҳнат иштироки коэффициенти кўллаш)ни белгилаш;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;
- ваколатхоналар ва филиаллар, шўъба хўжалик жамиятлар, Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналарнинг уставларини ва ички норматив хужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган хужжатлар бундан мустасно;
- акция ва улушларга Жамият эгалик қилаётган корхона ва ташкилотларнинг бошқарув органларида Жамият номидан унинг вакилларини овоз берини Тартибини тасдиқлаш.

132. Амалдаги қонунчиликка, мазкур Уставга, Ижроия органи тўғрисидаги Низомга мувофиқ Бош директорнинг ваколат доирасига бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

133. Бош директорнинг хуқук ва мажбуриятлари қонунчиликда, мазкур Уставда, Ижроия органи тўғрисидаги Низомда ва у билан тузиладиган шартномада белгиланади.

134. *Бош директорнинг мажбуриятлари:*

- Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига, Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига, шунингдек у билан тузилган меҳнат шартномасининг талабларига риоя қилиш;

«Ўзбекгидроэнергоқуриши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)

- Жамиятнинг хизмат ёки маҳфий бўлган маълумотларини, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни Жамият ходимлари томонидан ошкор этилмаслиги бўйича чора-тадбирлар кўриш;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ҳамда бизнес-режалари ишлаб чикилишига раҳбарлик қилиш;
- таъминлаш:
 - Жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини,
 - Жамиятнинг асосий воситаларини қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда хисобдан чиқарилишини,
 - Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини,
 - Жамиятда бухгалтерия хисоби ва молиявий ҳисботларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ташкил этилишини, ишончлилигини ва аниклигини,
 - Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамият Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки аудиторнинг талабига кўра тақдим этилишини,
 - Жамиятнинг идоравий архивини ташкил этиш ва Жамият ҳужжатларини тегишли равишда сакланишини,
 - Жамиятни малакали кадрлар билан,
 - Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўришни;
 - қонунчиликда ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлик масалаларни ҳал этишни,
 - Жамиятда ходимларнинг ижтимоий кафолатлари ва улар меҳнатини муҳофаза қилинишига риоя этилишини,
 - Жамият таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали фаолиятини,
 - статистика, бухгалтерия ва бошқа молиявий ҳисботларни тегишли органларга тўлиқ ва ўз вактида тақдим этилишини,
 - дивидендлар хисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг ҳукукларига риоя қилинишини,
 - акциядорларга, кредиторларга ва бошқа манфаатдор шахсларга Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида ўз вактида тақдим этилишини (маҳфий бўлган маълумотлар ва тижорат сирини ташкил этувчи ахборотлар бундан мустасно);
 - Жамият ҳақида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни, шу жумладан ХМҲСга ва аудитнинг халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисботларни Жамият корпоратив сайтида ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбаларда инглиз, рус ва акциядор ҳамда бошқа манфаатдор томонларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга куляй бўлган бошқа тилларга таржимаси билан биргалиқда эълон қилинишини;
 - шўъба хўжалик жамиятлари ва Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналар раҳбарларининг тасдиқланган йиллик бизнес-режа бажарилиши тўғрисида ҳисботларини ҳар чорак якуни бўйича эшитиш;
 - Жамиятнинг йиллик бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши ва Жамиятни ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича, шунингдек Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятлари ва Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналар тасдиқланган бизнес-режа кўрсаткичларига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида Кузатув кенгаши олдида ҳар чоракда ҳисбот бериш;

«Ўзбекгидроэнергокурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИ (янги таҳрири)

- Молиявий йил якунига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича акциядорлар умумий йиғилиши олдида йиллик ҳисобот бериш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида, шунингдек Кузатув кенгашининг йиғилишларида, Бош директорнинг ваколатига киритилган масалаларни кўришда, қатнашиш.

135. *Бош директорнинг хукуқлари:*

- Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо қўйиш;
- ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустакил равишда қарорлар қабул қилиш;
- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;
- Жамиятнинг Бош директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат Жамият Кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйиш;
- иш хақи, мукофот хақи, компенсациялар ва бошқа тўловларни олиш.

136. Бош директор амалдаги конунчиликка, мазкур Уставга, Ижроия органи тўғрисидаги Низомга ва у билан тузилган шартномага мувофиқ бошқа хукук ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

137. Жамият Бош директорига тўланадиган ҳақ микдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига, Жамият Корпоратив бошқарув тизимини мустакил ташкилот томонидан ўтказилган баҳолаш даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва у билан тузилган шартномада акс этган бўлади.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ВА БОШ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

138. Кузатув кенгашининг аъзолари ва Бош директор ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

Агар қонунчиликка мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган шахслар жавобгар бўлмайди, *Конуннинг 90-моддасида белгиланган ҳоллар бундан мустасно*.

139. Суд Кузатув кенгаши аъзосини ёки Бош директорни Жамиятга мулкий зарар етказганликда айборд деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг ёки Бош директорнинг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

140. Кузатув кенгаши аъзоси ёки Бош директор Жамиятга чалгитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

XI. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (яңги таҳрири)

141. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин.

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан сайланади.

Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вактнинг ўзида Жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

142. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат килиш учун мазкур Уставга мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тафтиш комиссияси сайланади.

Жамият тафтиш комиссияси бир йил муддатга сайланади ва уч кишидан иборат.

Айни бир шахс айни Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вактнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

143. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатига қўйидагилар киради:

- бир йиллик ёки бошка давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;
- ўтказилган текшириш якунларига кўра хulosса тузиш;
- Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек конун хужжатларининг ва Жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани тайёрлаш;
- тайёрланган хulosани ҳар чоракда Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чикиш;
- акциядорларнинг йиллик умумий йигилишига:
 - молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда конун хужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот тақдим этиш;
 - Жамиятнинг хисоботларида ва бошка молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо ҳакида хulosса;
 - бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги ҳакида ахборот тақдим этиш.

144. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йигилишининг, Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра, Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

145. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда белгиланади.

146. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

147. Тафтиш комиссияси Раиси акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида шахсан ўзи иштирок этади.

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

148. Жамиятнинг ички аудит хизмати:

- қонун ҳужжатларига, Уставига ва бошка мөъёрий ҳужжатларга риоя этилишини;
- бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлик ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини;
- хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини;
- активларнинг сақланишини риоя этилишини;
- 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширишни;
- Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали Ижроия органи, шўъба хўжалик жамиятлари ва Жамият томонидан ташкил этилган унитар корхоналар ишини назорат қиласди ҳамда баҳолайди.

149. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга, мазкур Уставга ва Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ (*ташқи аудитор*)

150. Аудиторлик ташкилоти Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хulosасини тақдим этади.

151. Аудиторлик ташкилоти Жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри хulosани ўз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

XII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

152. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисбот тақдим этиши шарт.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисбот ва бошқа молиявий ҳисботлар, шунингдек Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик Бош директорнинг зиммасида бўлади.

153. Жамиятнинг молиявий ҳисботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварафидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари Жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлик бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

154. Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

155. Жамият Халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки хафта олдин эълон қилиши шарт.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ УСТАВИ (янги таҳрири)

156. Жамият Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига белгиланган хужжатларни сақлаши шарт.

157. Жамият Қонуннинг 103-моддасида назарда тутилган хужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия хисобига доир хужжатлар, шунингдек Баш директорнинг бўйруклари ва Жамият акциядорларининг реестри мустасно.

158. Жамият ўзининг аффилланган шахслари хисобини юритиши ва улар тўғрисида қонун хужжатлари талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт.

Жамият аффилланган шахслар рўйхатини қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда хар йили ўзлон қилиши шарт.

159. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда Жамият тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

XIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

160. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

161. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилиши мумкин.

ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ

162. Жамиятни тугатиши тартиби Фукаролик Кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонунларига, ҳамда бошка меъёрий-хуқуқий хужжатларга асосан белгиланади.

163. Жамиятнинг кредиторлар билан хисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки тутатувчи томонидан акциядорлар ўртасида куйидаги навбат бўйича тақсимланади:

- биринчи навбатда Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;
- иккинчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича ҳисобланган, бироқ тўланмаган дивиденdlарни ва мазкур Уставда имтиёзли акциялар бўйича белгиланган тугатиши қийматини тўлаш амалга оширилади;
- учинчи навбатда Жамиятнинг мол-мулкини оддий акциялар эгалари бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

164. Мол-мулкни ҳар бир навбат бўйича тақсимлаш аввалги навбат бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

165. Мол-мулкни тугатиши қийматининг чет эллик инвестор бўлган акциядорга ўтказиладиган қисмини Жамият хорижий валпотага айирбошлаб бериши шарт.

XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

166. Мазкур Уставда тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги асосида тартибга солинади.

167. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий хужжатларига ўзгаришлар киритилиши натижасида мазкур Уставнинг қоидалари бу ўзгаришларга зид келган тақдирда, ушбу қоидалар ўз кучини йўқотади ва Жамият Уставига тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва меъёрий-хуқуқий хужжатларига амал қилинади.

168. Мазкур Уставни бир ёки бир нечта қоидаси ўз кучини йўқотган вазиятда, бу қоида Уставнинг бошка қоидаларини тўхтатиши учун асос бўлмайди.

«Ўзбекгидроэнергоқурилиши» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
УСТАВИ (янги таҳрири)

169. Акциядорлар умумий йигилиши ёки Кузатув кенгаши томонидан, ўз ваколатлари доирасида мазкур Уставга киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича қабул қилинган карорлар, қонунчиликда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

170. Ушбу Уставнинг ҳолатлари бўйича келиб чикадиган барча низо ва келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, улар суд орқали ҳал қилинади.

171. Мазкур Устав, унга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб кучга киради.

00048709



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH" Aksiyadorlik jamiyatি

(Yuridik shaxsnинг – tadbirkorlik subyektlining tashkiliy-huquqiy shakli ko'ssatilgan holdagi to'liq nomi)

"O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH" AJ

(Yuridik shaxsnинг qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.07.2009

000487-09

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

201055147

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Aksiyadorlik jamiyatি

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, NAVOIY KO'CHASI, 22 UY,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



5273085



**Yuridik shaxsnı tadbirkorlik subyektini qayta ro'yxatdan o'tkazganlik xaqida
ma'lumotnoması**

04.08.2022 r

	O'zgarishdan oldin	O'zgarishdan keyin
1	Yuridik shaxsnı - tadbirkorlik subyektining nomi 201055147, O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH	Yuridik shaxsnı - tadbirkorlik subyektining nomi O'zgarishlarsiz
2	THSh Aksiyadorlik jamiyatı	THSh O'zgarishlarsiz
3	Faoliyat yuritish manzili Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, NAVOIY KO'CHASI, 22 UY,	Faoliyat yuritish manzili O'zgarishlarsiz
4	IFUT Elektr energiyasi va telekommunikatsiya bilan ta'minlash uchun taqsimlovchi obyektlar qurish	IFUT O'zgarishlarsiz

O'zgarishdan oldingi Tasischilar

Ta'sischi turi	Ta'sischi STIRi	F.I.Sh. / Nomi	Miqdori	Ulushi
Yuridik shaxs	201055147	UZBEKGIDROENERGOQURILISH AJ	23 297 244 000.00	100.00 %
			Ustav fondi 23 297 244 000.00 UZS	100.00 %

Toshkent shahri, Shayxontoxur tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

04.08.2022, 14:38

Davlat xizmatlari markazi

Imzo: 242035.HABIBULLA ABDURAHMONOV VAHOBJON O'G'LICH

